



Навоий дин нуктаи назаридан – улуг илохиётчи, яъни Худосевар, фикр эътибори билан – буюк мутафаккир, мутлако эркин мушохадали Шахс, ижодкорлик маъносида эса – санъаткор. Дин, фикр, санъат – булар Навоий шахсида ҳам, шеъриятида ҳам бир-биридан ажралмайди. Навоий ҳеч вақт яхшиликни хакикатдан, хакикатни гўзалликдан ажратиб талкин этганмас. Навоийда хакикат фақат ГЎЗАЛЛИК орқали юз очади.

Мана, дин масаласини олайлик. Дин – мангу таълимот. Диннинг абадияти ҳам, оламнинг абадий дини ҳам Оллох ишқидир. Шунинг учун ориф одам ҳар бир улуг диннинг “пойтахти”да Худо хокиму мутлақлигини яхши билади.

Навоийнинг динга муносабатидаги бош нукталаридан бири, балким, биринчиси ана шудир. Навоий Рухоният оламига йўл очувчи, бутун шеърияти давомида Оллохни идеал мавжудлик сифатида тасвирлаган санъаткордир. Эҳтимол, шу боисдан ҳам Навоий шеърларининг таркибида барча нарса илохийлашган. Шоир мисраларидаги “тимсол” ва “белги”лар ҳам Оллохдан хабар етказиб туради. Навоий шеъриятидаги Нур хусни мутлақ нуридир. Навоий ижодиётида ислом динининг таъсир кудрати ва улар ўртасидаги рухий, ахлокий, маърифий богликликлар узок вақтлар давомида сохталаштирилиб, нотўғри талкин этиб келинганлиги ҳаммага маълум. Афсуски, ушбу масалани ўрганиш хозир ҳам тўғри ва кенг йўналишини топгани йўқ. Мен бир мақоламда “...Алишер Навоийнинг кўпгина ахлокий, ижтимоий, маънавий карашлари ислом таълимоти билан боглик. Лекин шунга карамасдан, Навоийнинг ижодий тажрибаларини диний мезонда баҳолаш ёки уни диний ақидаларнинг тарғиботчиси сифатида улуғлаш мумкин эмас. Чунки, Навоийнинг илхоми ҳам, санъаткорлик меҳнатлари ҳам диний тушунчалар доирасига сигмайди”, деган фикрни айтган эдим. Мухтарам муфтий Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари бунга жиддий эътироз билдириб, танкидий мулохазаларини матбуотда эълон қилдилар. Мен бу ерда мулохазага киришмоқчи эмасман. Колаверса, Навоийни диндорликдан “қутқариб” қолиш ниятим йўқ. Аввал ҳам бўлмаган менда бундай ният. Демокчиманки, ижод ва ижодкорлик психологиясини чуқур билмасдан туриб, санъат қонуниятлари, айниқса, унинг дунёни образли идрок этиш эҳтиёжларини ҳисобга олмай, Навоийнинг умуман динга муносабатини ҳаққоний баҳолаш мумкин эмас. Бунинг учун узокдан далил-исбот ахтаришга ҳожат йўқ. Навоийнинг ўзини қийнаган барча муаммолар, изтироб ва дардларига, айтайлик, ислом дини, унинг муқаддас китоби “Қуръон” ёхуд ҳадислардан тўла-тўқис жавоблар топганида:

Куёш йўқки, бир зарра мохиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.

Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ якин бўлди, не ражъатим.
Не касби улум этти хал мушкилим,
Не тутти илик таквию тоатим,

деган гапларни ёзармиди? Алишер Навоий хакикат ахтарувчигина эмас, унинг ўзи парчаланмас Хакикат, мислсиз Маърифатдир. Кайси жихатдан ёки кайси нуктаи назардан Навоийга мурожаат этмайлик, мана шу мохият доимо эътиборда турмоги шартдир.

Бизнинг классик адабиётимиз hozirги замон масалаларига бугунги ёзувчи, шоирларининг асарларига караганда аник, теран ва таъсирчан жавоблар бера олади. Шу жихатдан ҳам Навоийга тенг келадиган санъаткор йўк. Навоий туркий тил, туркий рухият ва туркий тафаккурни шундай юксак чўккиларга кўтарганки, буни факат орзу килиш мумкин.

Кушка юнг маскан аро хушрок дурур озодлиг,
Бўлгонидан банд аро сайёди бебок доми била,
дейди шоир бир газалида. Хатто кушга ҳам карамлик ва кишанни раво кўрмаган шоирнинг инсон эрки хакидаги карашларини энди ўзингиз тасаввур килаверинг. Октябр инкилобидан сўнг куллик, карамлик, кўркоклик, мутелик кон-конимизга сингиб борган сайин биз Навоийнинг озодлик, чинакам инсоний хурлик тасвирланган фикру туйгуларидан йироклашдик. Биз Навоий олдида гўё бахтимизни, эркимизни кўз-кўз этдик. Лекин зулм ва истибдод соат сайин бизнинг нодонлик ва жохиллигимизни кучайтирди, фикрий ва маънавий халокат гирдобига тортди. Хулоса шуки, Навоийни бошқача ва кайтадан ўкиб-ўрганмок керак. Ана шунда килинган анча ишлар нурсиз, хатто аянчли бир тарих бўлиб колажак. Бу эса, халкимизнинг аклан, рухан янги тарихга одим ташлаётганидан бир исбот бўлажакдир.